ЎРТА ОСИЁ ЛАГЕРИДАГИ МАҲБУСЛАР ТАҚДИРИГА ДОИР

Э.ТОЖИМИРЗАЕВ

В статье приводятся сведения о деятельности СазЛАГа, о судьбах его узников; представлены сведения об организации и функционировании данного карательного заведения, о его руководителях. Также приводится обширный список узников, этапированных и СазЛАГа в другие учреждения ГУЛАГа, изучение дальнейшей судьбы которых стоит на очереди.

The article provides the facts about the activities of CAsLag and the fate of the prisoners in this prison, about the functions of this punitive establishment and its authorities. The article contains the list of prisoners sent from CAsLag into other branches of GULAG. The fate of these prisoners are to be studied in near future.

Советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари масаласи ГУЛАГ тизимидаги меҳнат-тузатув лагерлари ва колонияларидаги мислсиз оғир меҳнатга, даҳшатли, фожиали ҳаёт кечиришга маҳкум этилган маҳбуслар ҳаёти, қисмати, бунёдкорлик ишлари, тақдири ҳам Ватанимиз тарихининг ажралмас таркибий қисмидир. Бироқ тарихимизнинг бу аламли, ҳасратли саҳифалари яқин кунларгача тарихшунослар эътиборидан четда қолган эди. Қайта қуриш ва СССР қулаши оқибатида мазкур масала Россия Федерацияси тарихчилари эътиборини ўзига тортди [1.438]. Бу мавзуни тадқиқ этиш Қозоғистонда [2.94-107], Ўзбекистонда [3] эндигина амалга оширилмоқда. Бу соҳада Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси ходимлари маълум ишларни бошлаб юборганлар, уларнинг айрим натижалари эълон қилинди. Бизнинг ушбу ахборотда ГУЛАГ тизимидаги Ўрта Осиё лагери ва ундаги маҳбуслар ҳақида янги маълумотлар бериш мақсад қилиб олинган.

Ўрта Осиё меҳнат-тузатув лагери ва колонияси (бундан буён СазЛАГ тарзида берилади) 1930

йили Тошкентда ташкил бўлган. СазЛАГ 1935 йил 8 февралгача ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллигига, ОГПУнинг ГУЛАГгига (Лагерлар бош бошқармаси) қараган, кейин 1937 йил 21 октябрдан СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ГУЛАГгига, сўнгра Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги меҳнат-тузатув лагери ва колонияси (УИТЛК)га қараган. СазЛАГнинг манзили: ЎзССР, Тошкент шаҳри, 248 (10) почта қутиси ҳамда 123/124 (11) почта қутиси бўлган.

Лагернинг ишлаб чиқариши: совхозларда, асосан, пахтачиликда, пахта заводларида, корхоналарда, мелиоратив ишларда, ширпотреб (кенг истеъмол моллари) ишлаб чиқаришида, Орол денгизида Сув транспортида юк юклаш, юк тушириш билан белгиланган.

1932 йил лагерда 17723 маҳбус бўлган. Шундан 6500 маҳбус қишлоқ хўжалигида, 7000 маҳбус ширпотребда товарлар ишлаб чиқаришда банд бўлган.

СазЛАГ совхозларида пахта биринчи марта 1932 йилда экилган, 1934 йили маҳбуслар қўли билан 3320 тонна пахта териб олинган. СазЛАГдаги маҳбуслар контингенти куйидагича бўлган: 1930 йилда – 2660; 1931 – 11700; 1933 – 18386; 1934 – 20494; 1935 – 25831; 1936 – 26308; 1937 – 26805; 1938 – 33936; 1938 йил октябрида – 36601 маҳбус бўлган. Ушбудан шу нарса маълум бўляптики, СазЛАГдаги маҳбуслар сони айни 1937-1938 йиллардаги “Катта террор”да кўпайиб кетган. Сиёсий қатағон қилинганларнинг маълум қисми айни шу СазЛАГда маҳбуслик қисматини тортган.

1930-1939 йиллар мобайнида СазЛАГнинг бошлиқлари Д.И.Литвин, А.Е.Солоницин, Н.А.Гротов, К.П.Озольск, А.П.Шишмарев, А.В.Левшин, Д.Е.Лебинлар бўлган.

1938 йил 10 октябрдаги маълумотга қараганда, ўша йили 36601 маҳбусдан 7739 нафари аксилинқилобий фаолияти учун, 12904 нафари ижтимоий хавфли элемент ва ижтимоий зарарли элемент сифатида ҳукмга тортилган. 1942 йили лагердаги 25780 маҳбусдан 3850 нафари аёл бўлган, уларнинг 14 нафари аксилинқилобий жинояти учун ҳукмга тортилган.

Давлат Хавфсизлиги кичик лейтенанти лагер бошлиғи Г.Н.Копаев 1938 йили қамоққа олинган[4.399-400].

СазЛАГдаги маҳбуслар 1935 йил 11 январдаги маълумотда 26829 киши бўлиб, уларнинг Текстиль комбинати, Чирчиқ шаҳри, Шоҳруд, Ҳазарбоғ қурилишларида, Чуй трестида, “Пахтаорол” совхозида меҳнат қилганликлари қайд этилган [5.188].

Маҳбуслар сони маттаси кўпайиб боргани сабаб СазЛАГнинг маҳбуслар турар жойи торлик қилиб, маҳбуслардан фойдаланиш оғир аҳволга тушиб қолган эди. Шу боис СазЛАГдан маҳбусларнинг бир қисмини ГУЛАГнинг бошқа лагерларига этап қилишга тўғри келди. Шунингдек, СазЛАГдаги маҳбусларнинг бир қисмини – кекса, касал, ногирон, меҳнатга лаёқатсиз бўлган қисмини шу лагерда қолдириб, ёш ва ўрта ёшдаги маҳбусларни СССРнинг бошқа лагерларига юборишга тўғри келган. Бироқ айрим ҳолатларда кексаларни ҳам бошқа лагерларга этап қилиш ҳолатлари юз берган. Бу ўринда Андижон округи Ойимқишлоқ районидан қатағон қилинган 60-70 ёшлардаги мўйсафидлардан 10 нафари Архангельскдаги лагерга этап қилинган. Маҳбусларнинг ёши улуғлиги ва оғир жисмоний ишларга яроқсизлигини пайқаган лагер мутасаддилари “жисмоний ишларда ишлашга имкониятлари йўқ” деган баҳона билан уларни қабул қилишмаган. Бу ҳол уларни Архангельскдан Мурманскга олиб борилганда яна такрорланган. У ердаги раҳбарлар ҳам нуроний мўйсафидларни кўриб, таажжубланиб, қабул қилишдан бош тортганлар. Бечора маҳбуслар 10-15 кунлаб “қизил” вагонларда кун кечириб, озиқ-овқат танқислиги ва бошқа қийинчиликлар туфайли ҳолдан тойган, касалланган. Улардан бири – Каримбой Ҳожи маҳбусдоши Муҳаммадхўжа Муҳиддинхўжаевнинг тиззаларига бош қўйиб жон таслим қилган. Ленинграддан ўтгандан кейин, бир темир йўл разъездида майит тушириб қолдирилиб, бир туркий тилли мусулмон томонидан урф-одатга мувофиқ дафн этилади. Кейинчалик Каримбой Ҳожининг кичик ўғиллари Муҳаммад Ҳожи Ленинградга бориб, ота қабрини зиёрат қилиб, марака-худойиларини ўша ерда ўтказиб қайтган [6.30-32].

СССР ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик 1933 йил 9 мартда СазЛАГдаги 60 нафар маҳбусни Ўрта Осиёдан бошқа лагерларга бадарға қилишга ҳукм чиқарган. Улардан 4 нафари (Содиқбоев Абдусамат – 40 ёшда, Турсунов Мираҳмад – 27 ёшда, Қўчқоров Жумабой - 37 ёшда, Очилов Пўлат – 40 ёшда) 3 йил муддат билан Москва шаҳридаги Дмитров лагерига этап қилинганлар. Улар бу лагерда эканларида механика заводида газогенераторлар, автомашиналар ва мебель ишлаб чиқаришда, Волга-Москва канали қурилишида меҳнат қилганлар.

Сиёсий маҳбуслардан 8 нафари (Саидов Жўра – 38 ёшда, Раҳматуллаев Боқи –18 ёшда, Қурбонов Мулла – 25 ёшда, Рўзиқулов Қурбон – 20 ёшда, Авлиёқулов Қурбон – 25 ёшда, Пиримқулов Имом – 24 ёшда, Тойчигилов Хотамбой – 23 ёшда, Имомов Рўзиқул – 34 ёшда) Чувашистонга сургун қилинган.

1931-1933 йилларда СазЛАГдан ГУЛАГ тизимидаги турли лагерларга этап қилинган бошқа 48 нафар маҳбуснинг айнан қаерга юборилгани ҳозирча аниқлангани йўқ. Уларни номма-ном келтирамиз: Абдуллаев Сайфулла – 35 ёшда, Абдуллаев Турсун – 50 ёшда, Бобомуродов Боборажаб – 30 ёшда, Бобоёров Эргаш – 36 ёшда, Бобомуродов Худайқул – 42 ёшда, Бобомуродов Воҳид – 36 ёшда, Бозоров Эргаш – 40 ёшда, Бердиев Ҳуррам – 49 ёшда, Бўриев Холиқул – 47 ёшда, Зарипов Абдураим – 56 ёшда, Ибодуллаев Сайдулла – 33 ёшда, Исматов Асад – 30 ёшда, Каримов Умар – 28 ёшда, Камолов Нарзи – 22 ёшда, Каримов Зоҳид – 28 ёшда, Келдиёров Рўзиқул – 33 ёшда, Мелибоев Холбой – 46 ёшда, Мустафоев Чори – 25 ёшда, Нуралиев Жўра – 19 ёшда, Нормўминов Жўра – 41 ёшда, Носиров Саиджон – 45 ёшда, Нигматов Ибод – 35 ёшда, Останақулов Аббос – 40 ёшда, Одилов Эргаш – 30 ёшда, Подшоев Алим – 36 ёшда, Раҳмонов Исмоил – 24 ёшда, Рўзиев Жўра – 47 ёшда, Раимов Нуриддин – 21 ёшда, Раҳмонов Қўшчахта – 35 ёшда, Раҳқулов Хуррам – 30 ёшда, Суюнов Бадал – 30 ёшда, Тоҳиров Раззоқ – 43 ёшда, Тўрабоев Абдуазиз – 50 ёшда, Турумбетов Наби – 31 ёшда, Тожиев Ҳазратқул – 22 ёшда, Худайбердиев Эгамберди – 45 ёшда, Холназаров Холиқ – 36 ёшда, Хотамов Муқим – 24 ёшда, Қобилов Ойхўжа – 43 ёшда, Қобилов Элбой – 35 ёшда, Қобулов Муҳаммад – 42 ёшда, Ғозиев Хуржон – 46 ёшда, Ҳўжаназаров Камол – 38 ёшда, Эгамбердиев Жўра – 38 ёшда, Юсупов Дамин – 34 ёшда, Юсупов Намоз – 50 ёшда бўлганлар[7.232-240].

СазЛАГда маҳбуслик қисматини тортиб, бу ердан яна бошқа лагерларга юборилган маҳбусларнинг бир қисми жазо муддатини ўтаган бўлсаларда, уларнинг қамоқ муддатини турли хил йўллар билан узайтириш чоралари кўрилган. Масалан, Раимов Нуриддин, Юсупов Дамин, Бобоёров Эргаш, Камолов Нарзи, Каримов Зоҳидларнинг қамоқ муддати тугаган бўлса-да, улар турли муддатларга бошқа лагерларга этап қилинганлар. Чунки бу маҳбусларнинг ўртача ёши 20-30 ларда бўлиб, Советлар айни навқирон ёшдаги маҳбуслар меҳнатидан унумли фойдаланишни мақсад қилиб олганлар.

Юқоридаги номлари келтирилган маҳбусларнинг қайси лагерларга этап қилингани, у ердаги меҳнати, ҳаёти ва қисмати, уларнинг кимлигини, аждоду-авлодларини излаб топиш, улар ҳақидаги бор ҳақиқатни рўёбга чиқариш тадқиқотимизнинг бундан кейинги асосий вазифасидир.

Адабиётлар:

1. Иванова Г.М. История ГУЛАГа 1918-1958. Социально-экономический и политико-правовой аспекты.- М.: Наука, 2006

2. Абылхожин Жулдузбек. Лагерная экономика. // Депортированные в Казахстан народы: время и судьбы.- Алматы: Арыс-Казақстан, 1998

3. Шамсутдинов Р. Маҳбус юртдошлар қисмати. // Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. – Т.: Шарқ, 2006. 158-164- б; Шамсутдинов Р.Т., Холмирзаев Р.Т. ГУЛАГ лагерларидаги ўзбек маҳбусларининг қисмати. // АнДУ Илмий хабарнома.- 2011.- №1.- Б.51-56; Шамсутдинов Р.Т., Холмирзаев Э. Сандармох қатлгоҳида отилган юртдошлар. // Мустақиллик: фан ва таълим тараққиёти.- Андижон, 2011.- Б.106-111; Холмирзаев Э.Р. Дмитров лагеридаги ўзбек маҳбуслари тақдири. // Мустақиллик: фан ва таълим тараққиёти.- Андижон, 2011.- Б.124-128; Холмирзаев Э.Р. Магадан жазо лагерларидаги ўзбек маҳбусларининг фожиали тақдири. // “Элим деб юртим деб ёниб яшаш керак” мавзуидаги конференция материаллари.- Навоий, 2011.- Б.33-36; Шамсутдинов Р., Холмирзаев Э. ГУЛАГ лагерларидаги ўзбек маҳбуслари. // Тарихнинг номаълум саҳифалари: илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар. 3-китоб. – Т.: Ўзбекистон, 2012.- Б.51-68; Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари. (Биринчи китоб). – Т.: Шарқ, 2012.- Б.281-323

4. Система Исправительно-трудовых лагерей в СССР. 1923-1960. Справочник.- М.: Звенъя, 1988

5. Шамсутдинов Р. Маҳбус юртдошлар қисмати. // Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. – Т.: Шарқ, 2006.

6. Муҳамедов Ҳ. Хотирам сўқмоқлари.- Т., 2012.

7. Среднеазиатский кишлак в годы большого террора. Документы и материалы. Сост: Р.Т.Шамсутдинов, Э.Ю.Юсупов, С.Хошимов, Э.П.Дусматов; Андижанский Государственный университет имени Бабура, Международный благотворительный фонд научно-практической экспедиции «Мерос».- Андижан, 2007

Андижон давлат университети,
2012 йил 16 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Р.Т.Шамсутдинов)